

Аллоҳ баракани бераверади



08:07 / 05.02.2020 4038

Абдурраҳмон ибн Зайд айтади: «Бир қўшин таркибида йўлга чиқдик. Орамизда Амр ибн Атаба ҳам бор эди. У эгнига янги оқ чопон ёпиб олганди. Бир куни у: «Бу кийимга қон оқса қандай яхши!» деди. Бир қасрнинг олдига келган эдик, қаердандир бир тош учиб келиб, Амрнинг бошига тегди. Унинг боши ёрилиб, қон тинмай оқа бошлади. Амр ибн Атаба бошидан оқаётган қонни олиб, қўлларига сурта бошлади ва: «Бу арзимас нарса. Лекин Аллоҳ аzza ва жалла шунга ҳам барака бераверади», деди. У жуда кўп қон йўқотиб, вафот этди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан